



Кун нафаси

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2021 йил
13 март
шанба
№ 33
(4473)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёевнинг** тақлифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров** 11-12 март кунлари давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлди.

Президент **Шавкат Мирзиёев** ва Президент **Садир Жапаров** 12 март куни Қўқсарой қароргоҳидаги **Фахрий меҳмонлар хиббони**га кўчат ўтказди.

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров** Ўзбекистон Президенти **Шавкат Мирзиёев** ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги технопаркка ташириф буюрди.



2021 йил 12 март куни давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлиб турган Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси **Танзила Норбоева**, Қонунчилик палатаси Спикери **Нурдинжон Исмоилов** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири **Абдулла Арипов** билан учрашди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 12 март кунининг иккинчи ярмида Германия Федерал канцлери **Ангела Меркель** билан видеоанжуман шакида музокара ўтказди.



12 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Учрашув

Амалий ёрдам

Чилонзор туманининг 41-округида Халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов билан учрашув ўтказилди.



Унда аҳоли томонидан билдирилган муаммолар ва ечимини кутаётган масалалар ҳақида сўз борди.

Хусусан, «Дилобод» МФЙ раиси Муборак Бозорова депутатдан шу маҳалланинг 31-уй, 67-хонадонда яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Раъно Пўлатовага ногиронлик аравачаси ажратилиши юзасидан ёрдам сўради.

Мазкур масала Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилот-

лари бирлашмасининг амалий ёрдами билан ижобий ечим топди.

– Аслида, аёл кишига кўп нарса керакмас, – дейди Раъно Пўлатова. – Озгина эйтибор бўлса кифоя. Очиги, кўлимиз калталиги боис, аравачага ҳам маблағ орттирлмаётгандик. Байрам арафасида мушкулимни осон қилганларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Аёллар спартакиадаси

Соғлом келажак пойдевори

Спортнинг оммавийлигини ошириш, айнакча, аёллар ва болаларни спортга жалб этиш, бу – соғлом келажакка пойдевордир. Спорт саломатлиқни мустаҳкамлаш билан бирга, дунёқарашни кенгайтириб, тиббий маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Айни шу жиҳатлар эйтиборга олинган ҳолда Тошкент шаҳридаги барча корхона ва ташкилотларда аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган «Аёллар спартакиадаси» спорт соғломлаштириш тадбирлари кўтаринки руҳда ва байрамона тарзда ўтказилди. Мусобақа ғолиблари

бирлашма кенгашининг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Айни вақтда спартакиаданинг шаҳар bosқичига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ирода ҲИҚМАТОВА,
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Маданий-маърифий ва спорт ишлари» бўлими мудир



Келгуси сонларда ўқинг...



«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган хайрли иш – «Аёллар дафтари»нинг юритилиши, у орқали хотин-қизларнинг муаммоларига ечим изланиш жараёни барча ҳудудларда тизимли давом этмоқда. Айни вақтда Президентимизнинг топшириғига асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерацияси ходимлари ва жамоатчилик вакиллари иборат ишчи гуруҳлар «Аёллар дафтари»ни шакллантиришнинг аҳволи, хотин-қизлар муаммолари, қизиқиш ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишлар сифатини урганишни бошлади. Хўш, вазият қандай? Барчаси кўнгилдаги-

декми? Аёлларни қийнаётган муаммолар нималардан иборат?

Бу саволларга «Ishonch» газетасининг келгуси сонларида Ишчи гуруҳ фаолияти, ҳудудлардан тайёрланган лавҳалардан жавоб олишингиз мумкин.

«Ishonch»ни кузатиб боринг!

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айнакча, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эйтиборида!

Тошкент шаҳри

Бир олам таассуротлар билан

Жорий йилнинг 2-4 март кунлари Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан пойтахтнинг 5 та туманидан «Аёллар дафтари»га киритилган 20 нафар аёлнинг Хоразм вилоятига саёҳати ташкиллаштирилди.

Саёҳат давомида кўҳна ва навқирон Хива, «Охун бобо» зиёратгоҳи, Жалолиддин Мангуберди хиббони, «Калта минор», «Паҳлавон Маҳмуд» мажмуаси, Урганч бозори саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

Айниқса, Хива шаҳридаги «Shams khiva» меҳмонхонасидаги шарт-шароитлар, ўзига хос ёқимли шевада сўзловчи мезбонларнинг ҳушмуомалалиги шу юртга бўлган меҳримизни янада оширди.

Бундай саёҳатлар аёлларга куч-ғайрат бағишлади, маънавий қувват берди. Улар юксак эйтибор учун ташкилотчилардан миннатдор бўлишди.

Наима ҲАСАНОВА,
«Камолон дарвоза» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли

Хоразм вилояти

«Мозийга тушиб қолгандекмиз»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги сиҳатгоҳларда фаолият юритаётган 54 нафар ишчи-ҳодим Хоразмга саёҳат қилишди.

«Чинобод» санаторийсида 37 йилдан буён ошпазлик қилиб келаятган Гулнора Мўминова Хивага бундан 38 йил аввал келган экан.

– Очиги, Урганч танилмай қолдим, – дейди у. – Хива янада гўзаллашгандек туюлди менга. Айниқса, музейлар ўзгача таассурот қолдирди.

– Хоразмга биринчи келишим, – дейди шу санаторийда 34 йилдан буён ҳамшира лавозимда ишлаётган Мавлуда Мирзаева. – Кўрсатилган эҳтиром ва меҳмондўстликдан бошим осмонга етди.

Суҳбатга «Ботаника» санаторийсида 20 йилдан буён кичик тиббий ходим бўлиб ишлаб келаятган Мавлуда Мамажонова ҳам қўшилди.

– Ичан қалъада ўзимизни тарих саҳифаларига тушиб қолгандай ҳис қилдик, – деди у.

Рўйи замин сайқалига саёҳат

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси турли соҳаларда самарали фаолият кўрсатиб келаятган бир гуруҳ аёлларнинг қадимий ва навқирон Самарқандга саёҳатини ташкил қилди.

Сайёҳлар Имом Бухорий ҳазратлари мақбараси, ҳазрати Дониёр мажмуаси, Гўри Амир мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шоҳизинда, Ҳазрати Ҳизр мажмуалари, Регистон майдони ва Самарқанднинг бошқа диққатга сазовор жойларида бўлиб, руҳий-маънавий қувват олдилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси жамоаси хоразмлик меҳмонларга иззат-ҳурмат кўрсатди. Саёҳат давомида турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам уюштирилди.

– Узоқ йиллардан буён фаррош бўлиб фаолият кўрсатаман. Рўйи замин сайқали саналмиш Самарқандни кўриш орзум эди. Касаба уюшмаларининг кўмаги билан орзум ушалди, – дейди ҳазораспик Аноржон Матёкубова.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Фаол ёшлар кўҳна кентда

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотларда меҳнат қилиб келаятган 54 нафар фаол ёш ходимнинг Хоразм вилоятига саёҳатини ташкил этди.

– Саёҳат давомида Хоразм вилояти нақадар бой тарихга эгаллигига яна бир бор амин бўлдик, – дейди «Фарғонаазот» АЖ мутахассиси Умиджон Мўйдинов. – Хивадаги Ичан-қалъа мажмуаси, Исломуҳжа ва Паҳлавон Маҳмуд мақбараларини зиёрат қилдик. Мухтасар айтганда, ушбу саёҳат унутилмас хотираларга бой бўлди. Тарихий шаҳарга саёҳат тасаввурларимизни ҳам, билим даражамизни ҳам янада оширди.

Шамшод ТўХТАМАТОВ

Келгуси сонларда ўқинг...

УСТАСИ ФАРАНГ
УСТАБУЗАРМОНЛАР

ЗЕРИКАЁТГАН ОДАМ
(Эссе)

ЮЗ ФОИЗЛИК
МУҲАББАТ

Тошкент
шаҳри

Жамоа шартномаси муҳокамаси



«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгашининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.



ҳам сўзга чиқиб, 2020 йил давомида тармоқ келишуви мажбуриятларини бажарилиши ҳамда темирйўл тизимида олиб борилган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Тадбир давомида 2021-2023 йиллар учун тузиладиган Тармоқ келишувига бир нечта ўзгартириш ва янги бандлар киритилаётгани қайд этилди. Хусусан, «Узоқ масофада жойлашган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг вахта усули тўғрисида Низом»га биноан вахта услубидаги иш учун устамалар тўлаш, шу жумладан, биринчи марта қонуний никоҳдан ўтган ходимларга иш ҳақи сақланадиган уч иш кунидан иборат қўшимча таътил бериш билан бирга моддий томондан кўмаклашиш, яқин қариндошлари вафоти ва дафн этилиши муносабати билан ходимга ҳақ тўланадиган уч кунлик таътил ташкил этиш, биринчи марта сил, жигар циррози, онкологик касалликлар билан касалланган ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш кераклиги, 10 йилдан кам бўлмаган узлуксиз иш стажига эга бўлиб, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бўлиналарида пенсияга кетган ва 60, 70, 80, 90 ва 100 йиллик юбилей санасига етган барча пенсионерларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 баробарида моддий ёрдам кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини кенг тартиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш кабилардир.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Исаев 2021-2023 йиллар учун тузиладиган Тармоқ келишувига муносиб баҳо бериб, ўзининг керакли маслаҳатларини берди.

Йиғилишда 2021-2023 йиллар учун тузилган Тармоқ келишуви жамият раиси в.б. Хусниддин Ҳосилов ҳамда Республика кенгаши раиси Қутлимурот Собиров томонидан имзоланди.

Назозат НУРМАТОВА,
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгаши йўриқчиси

Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактабда 2019-2021 йил учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши ҳамда жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтди.



Қўшимча ва ўзгартишлар киритилди

Унда жамоа шартномасидаги мажбуриятлар юзасидан мактаб раҳбари Шахноза Қосимова ҳамда касба уюшма кўмитаси раиси Дилноза Махсудованинг ҳисоботлари тинланди. Жамоа шартномасига «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» муносабати билан қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходими Равшан Маҳмадалиев,

Тадбир якунида ўтган йилдаги фаолиятида намунали кўрсаткичларга эришган бир гуруҳ ходимларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

Қорақалпоғистон Республикаси

Тўрткўл туманидаги 1-сон касб-ҳунар мактабида раҳбарият ва касба уюшма кўмитаси ўртасида 2018-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2020 йилдаги ижроси ҳамда янги муддатга, яъни 2021-2023 йиллар учун жамоа шартномасини қабул қилишга бағишланган меҳнат жамоасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Бир овоздан маъқулланди

Йиғилишда Қорақалпоғистон касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Е.Утепберенов, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси Қ.Бекманова иштирок этди.

Жамоа шартномасининг 2020 йилги ижроси бўйича ўқув даргоҳи директорининг ўринбосари ва касба уюшма кўмитаси раиси ҳисобот бериб, ўтган йил давомида амалга оширилган ишларга батафсил тўхталди.

Йиғилишда 2021-2023 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси бир овоздан маъқулланди.

Есимжон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

Тармоқ келишуви имзоланди

Унда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви ва Республика кенгаши ўртасида 2018-2020 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви мажбуриятларининг 2020 йил давомида бажарилиши, корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши, ишчи-ҳодимларнинг меҳнат шaroитларини янада яхшилаш ҳамда уларни махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари би-

лан таъминлини бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Шу кунгача Тармоқ бўйича битта келишув, 94 та жамоа шартномаси тузилган бўлиб, улар орқали 91 минг 889 нафар касба уюшма аъзоларининг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари қамраб олингани таъкидланди.

Йиғилишда акциядорлик жамияти бошқаруви раиси в.б. Хусниддин Ҳосилов

Қашиқадарё
вилояти

Касба уюшмаси аралашгач...

Мен «Ўзбекнефтгаз» АЖга қарашли собиқ «Тармоқлараро ўқув курс комбинати» МЧЖда 1995 йилнинг 1995 йил 10 февраль ойидан «UNG Training» МЧЖда 2020 йилга қадар, яъни 26 йил турли вазифаларда ишлаб келдим. Лекин иш берувчининг 2020 йил 4 ноябрдаги 123-к-сонли буйруғига кўра, мен билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан штатлар қисқартирилиши муносабати билан асосиз ва қонунга зид равишда бекор қилинди.

Мен ишга тикландим

Шу сабабли мен буйруқни бекор қилдириш, ишга тикланиш, мажбурий бекор юрган вақтим учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш мақсадида Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилдим. Суд киритилган аризини иш юритишга қабул қилди.

Суд мажлисида бир ўзим иштирок этдим. Ҳимоячи ёллашга иқтисодий имкониётим йўқ эди. Шу боис, 2021 йил 18 январь кунини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига амалий ёрдам

сўраб мурожаат қилдим. Юридик бўлим мудири Ҳамидулла Пиримуқолов ва етакчи юристконсулт Наргиза Асадова бузилган меҳнат ҳуқуқларимни тиклашда менга кўмак беришди. Суд мажлисида Н.Асадова бузилган меҳнат ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш учун иштирок этди ва меҳнат қонунчилиги бўйича кучли билим ва тажрибага эга мутахассис эканини кўрсатди. Иш берувчи менга нисбатан адолатсизлик қилгани ўз исботини топди. Шу йилнинг 5 февраль кунини Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди

томонидан қарор қабул қилиниб, даъво аризам қаноатлантирилди ва ўз ишимга тикландим.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг беминнат кўмаги ва амалий ёрдами билан адолат қарор топди. Шу боис, соҳа ходимларига, бузилган меҳнат ҳуқуқларимни тиклашда мени қўллаб-қувватлаганларга миннатдорлик билдираман. Касба уюшмаларининг ходимлар манфаатларини ўйлаб амалга ошираётган ишларида муваффақиятлар тилаб қолам.

Соҳиба ҚИЁМОВА

Наманган
вилояти

Бандлик

Бир фестивал доирасида:
1,5 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ
АЁЛ МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛДИ

Кечагина турмуш ўртоғининг қўлига қараб, ўйда ўтирган аёл бугун ишли бўлса, рўзгорининг кам-кўстини тўлдирса, фарзандлари қўлига пешона тери билан топилган нондан насиба ушатса, унинг учун бундан ортиқ бахт борми, ахир?

«Аёл дунё безаги, меҳр-муҳаббат рамзи!» шиори остида ташкиллаштирилган «Аёллар фестивали» доирасида ташкил этилган ярмарка туфайли бахтли аёллар сафи яна бир неча баробарга кўпайди.

Дастлаб улар «Наманган тўқима» корхонаси фаолиятини кўздан кечиришди. Корхонага «Давлатобод», «Янги тонг», «Умид», «Порлоқ», «Навбахор», «Тўқувчи», «Мустақиллик» МФЙларида яшовчи 400 нафар хотин-қиз ташриф буюрди ва ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Бундан ташқари, махсус ярмаркада «Наманган пахта текс» корхонаси ҳам «Шишаки», «Юқори Ровустон», «Куйи Ровустон», «Боғ», «Ирвадон» маҳалла фуқаролар йиғинларидан 350 нафардан зиёд ишсиз аёл учун 302 та бўш иш ўрни тақлиф қилди. Куннинг биринчи яр-

мидаёқ 152 нафар хотин-қиз билан меҳнат шартномаси тузилди.

Пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқарадиган бу корхонанинг келгусида мато ҳамда момиқ сочиқлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган қисми ҳам ишга тушса, яна юзлаб янги иш ўринлари яратилади. Демак, бу ҳудудда хотин-қизлар ўртасида ишсизликни бартараф этиш борасида катта қадам ташланади.

Фестивал доирасида 1,5 минг нафардан ортиқ аёлнинг ижтимоий муаммоси ҳал этилди. Шунингдек, «Меҳр-3» операциясида вилоятга олиб келинган хотин-қизларга 50 та тикув машинаси, 50 та чанготгич, 50 та микротўқинли печ, 10 та музлатгич ва 10 та ногиронлар аравачаси топширилди.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Фарғона
вилояти

Барча зарар қопланди

Бешариқ тумани энгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ходими Соҳибхон Мамадалиева бузилган ҳуқуқини тиклашда амалий ёрдам сўраб, Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, 2019 йил 29 августдаги №37К/7-сонли буйруқ билан Соҳибхон Мамадалиева билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодекси 100-моддасининг 1-бандига асосан бекор қилинишида қонун бузилишига йўл қўйилган. Бу ҳақда бир неча маротаба тушунтириш берилган бўлса-да, иш берувчи Соҳибхон Мамадалиевани ишга тиклашни нагадир хоҳламади. Шундан сўнг судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга тўғри келди.

Мазкур даъво аризаси ижобий натижасини топиб, суднинг ҳал қилув қарори билан Соҳибхон Мамадалиева Бешариқ тумани 1-касб-ҳунар мактабига ишга тикланиб, унга 2 миллион 221 минг сўм мажбурий бекор юрган даври учун ҳамда 2 миллион 500 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Авазхон ТўРАХЎЖАЕВ,
Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юристконсулти



Кечинма

Сиз қачон туғилгансиз?



«я» га, «я» ни «ю» га айлан-
тириб ёзишлар!.. Бу ҳам майли-я,
болага ойлаб, ҳатто йиллаб ке-
чиктириб ҳужжат олишлардаги
беписандликларга нима дей-
сиз?! Бошқаларни қўя туриб,
ўзим гувоҳ бўлган воқеалар-
дан бир шингилини айтиб ўта
қолай.

Қирқ биринчи йилнинг даҳ-
шатли ва серташвиш кунлари-
дан бирида дунёга келган экан-
ман! Отам ҳужжат олиш учун
тегишли идорага борса, мудир
«яши» маслаҳат берибди: «Ав-
вал бола яхшилаб оёққа ту-
риб олсин, кейин ҳужжат олиш
қошиб кетмас!.. Буёқда уруш
бошланган деб турган бўлса...».

Ичидан зил кетган отамиз ҳуж-
жат ололмасдан қайтибди ва
кўп ўтмай урушга жунабди...
Урушдан бир оёғидан ай-
рилиб яримжон ҳолда қайт-
ган падали буюрқворим ўзаро
суҳбатлар чоғида айтиб қо-
лардилар: «Уруш бошланганда
роппа-роса бир ойлик чақалоқ
эдинг, ўғлим. Ташвишлар бил-
лан бўлиб, икки ой кейин ҳуж-
жат олиб берганман...»

Қодир Оллоҳ инояти билан
саксонга қиряпман. Иккинчи
томондан, янги Ўзбекистон
фуқароларини рўйхатга олиш
ишлари режалаштирилмоқда.
Қалбимда армон бўлиб ётган
ширин орзу шу баҳонада яна
ўйғонди! Асл туғилган куним –
1941 йил 22 майни қайта тиклаб
олсам-чи? Шундай қилсам, бу
оламдан армонда ўтиб кет-
ган отагинимнинг руҳи поклари
ҳам шод бўлармиди. Қолаверса,
муқтақил давлатимизда аҳолини
қайта рўйхатдан ўтказиш жараё-
нида мен ҳам шу юртининг фуқ-
роси сифатида ҳақиқий туғил-
ган санам билан тўғри рўйхатга
олинамидим?... Қалбимнинг
туб-тубида ётган орзуим ушал-
син, дейман-да.

Асад АСИЛОВ



Долзарб мавзу

ШИФОКОРГА ШАРОИТ БОРМИ?

Хавфсиз ва гигиена талабларига мос иш ўрни яратиш ўта муҳим мажбуриятлардан бири ҳисобланади. Бу талаблар ижроси иш ўринларини аттестациядан ўтказиш орқали таъминланади. Ҳукуматимиз томонидан иш берувчилар зиммасига иш ўринларини шаходатдан (аттестация) ўтказиш мажбурияти юкланган бўлса-да, таассуфки, бу масалага панжа орасидан қараётганлар ҳам йўқ эмас.

– Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ўринлари, меҳнат шариоитлари ва асқоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомии ижросини таъминлаш барча иш берувчилар, корхона, муассаса ва ташкилотлар учун мажбурийдир, – дейди Ўз КУФК меҳнат инспекциясининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат инспектори Усмон Қаримов. – Аммо бу муҳим тadbирга эътиборсизлик билан қараш, лоқайд муносабат ҳамон барҳам топмапти. Айниқса, таълим ва тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётганлар иш шариоитининг кафолатланмаётганлиги ачинарлидир.

Оқдарё, Кўшработ, Пахтачи туманлари тиббиёт бирлашмаларида шу чоққача меҳнат шариоитлари, асқоб-ускуналарнинг хавфсизлиги шаходатдан ўтказилмаган. Ана шу жараёнга эътиборлироқ бўлишга қақирган касба уюшмаларининг мурожаатлари эътиборсиз қолмоқда. Оддий бир мисол, Пахтачи тумани тиббиёт бир-

лашмаси бошланғич касба уюшма ташкилоти ташаббусини ТТБ раҳбари қўллаб-қувватлаб турган бир пайтда, қалбимизда «бош иқтисодчи» қар-шилигига дуч келинаётимиз. Айнан шу туманда соҳа ходимларининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликка дуч келинганлиги унутилиб қўйилмоқда, чоғи.

Кейинги уч-тўрт йилда Самарқандда тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётганлар ўртасида ҳам бир қатор бахтсиз воқеалар ҳисобга олинди. 2018 йилда Жомбой тумани ТТБ фельдшерии Несибали Ҳотамова, Республика шошилини тиббий ёрдам филиали маркази Самарқанд филиали шифокори Зоҳид Ғаниев

иш жараёнида кўнгилсизликка учради. 2019 йилда Пахтачи тумани ТБ ходимлари Икром Аҳмедов, Одил Дониев ва Элбек Узоқов бахтсиз тасодифдан азият чекишди. Ўтган йилда эса Булунгур тумани ТБ шифокори Зулфия Қорабоева ҳаёт учун хавф туғдирадиган бахтсиз ҳо-дисага учради.

Ўз-ўзидан кўриниб туриб-дики, соҳада меҳнатни муҳо-фазалаш, хавфсиз, кафолат-ланган иш шариоити яратиш борасидаги ишлар бугунги та-

СОҲАДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗАЛАШ, ХАВФСИЗ, КАФОЛАТЛАНГАН ИШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР БУГУНГИ ТАЛАБЛАРДАН ОРТДА ҚОЛМОҚДА. АНА ШУНДАЙ БИР ШАРОИТДА, БАЪЗИ ТУМАН ВА ХУСУСИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗ МЕҲНАТ ШАРОИТИ ЯРАТИЛИШИДАН КЎЗ ЮМАЁТГАНЛИГИ УЎРИНЛИМИКАН!

саломатлиги йўлида жон куйди-раётган касб эгалари ҳар жиҳатдан хавфсиз, кафолатланган иш ўринларига эга бўлсин.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Эълонлар

«Surxondaryo mulk savdo» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади:

1. Жарқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан савдога чиқарилган, 2000 йилда и/ч, «DAMAS DLX GM UZ» русумли, 75491FAA давлат белгили, носоз автомашина. Бошланғич баҳоси – 2 500 000 сўм.
2. Шеробод тумани санитария-эпидемиологик оқсоқчилик ва жамоат саломатлиги бўлими томонидан савдога чиқарилган, 1989 йилда и/ч, «GAZ5201» русумли, 75361FAA давлат белгили, носоз автомашина. Бошланғич баҳоси – 1 700 000 сўм.
3. Шеробод тумани санитария-эпидемиологик оқсоқчилик ва жамоат саломатлиги бўлими томонидан савдога чиқарилган, 2009 йилда и/ч, «Matiz» русумли, 75362FAA давлат белгили, носоз автомашина. Бошланғич баҳоси – 3 600 000 сўм.
4. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан савдога чиқарилган, 2010 йилда и/ч, «Ласетти» русумли, 758420AA давлат белгили, носоз автомашина. Бошланғич баҳоси – 9 210 000 сўм.

Аукцион савдоси Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй манзилида 2021 йилнинг 29-, 30-, 31 март кунлари соат 10:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ билан закат шартномасини расмийлаштириб, унинг ҳисобрақамига (банк: ЧЭКИ «Ҳамкорбанк», х/р: 20208000400868025001, МФО:01001, СТИР:305471954) сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Аризаларини қабул қилиш савдо бошланғичдан бир кун олдин тўхта-тилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Бахт кўчаси 3/45-уй. **Тел.:** 76-224-36-76.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳри

Тadbир

Нафосат байрамига бағишланди

Фанлар академияси «Физика-Қўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тadbир бўлиб ўтди.

Тadbирда сўзга чиққанлар жамоа аёлларини баҳор, янги-ланиш ва гўзаллик байрами билан қизгин муборакбод этишди. Ёш ходимлар томонидан аёл-ларга бағишланган шеърлар ўқилди, жозибадор муסיқа янгради.

Ўз хизмат вазифасини аъло даражада адо этиб келаётган хо-тин-қизларга ташаккурнома ва байрам совғалари топширилди.

Ўткиржон РАҲМОНОВ,
Физика-техника институти бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси

Жиззах вилояти

Меҳнат муҳофазаси

Давр талабларига ҳамоҳанг

Жиззах вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлаш-маси кенгашида Давлат муассасалари ва жамоат хиз-мати ходимлар касба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги Жиззах вилоятида фаолият юритаётган бошланғич касба уюшма ташкилотлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг Олий Мажлисига мурожаатно-маси мазмун-моҳияти, меҳнат муҳофазасига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларга киритил-ган янгиликлар, жамоа шарт-номасидаги меҳнатни муҳо-фаза қилиш бўйича битимнинг бажарилиши тўғрисида маълу-мот берилди.

Тadbир иштирокчиларига «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Касба уюшма-лари тўғрисида»ги қонунлар,

бошқа норматив ҳуқуқий ҳуж-жатлардаги янгиликлар, жамоа шартномаси ҳақида маълумот берилди.

Тарғибот тadbирини ўзаро фикр-мулоҳазалар, савол-жа-воблар билан ўз яқунига етди.

Икром ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси меҳнат инспекциясининг Жиззах вилояти бўйича меҳнат техник инспектори,
Сухробжон НУРУЛЛАЕВ,
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Фарғона вилояти

Спорт

Эзгуликка йўғрилган мусобақа

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Учкўприк тумани кенгаши ташаббуси билан туман-даги 40 та МТТда ишлаётган аёл тарбиячи ва ходим-лар ўртасида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида мусобақа ташкил этилди.

Унда иштирокчилар дартс, ҳалқага тўп ташлаш, югу-риш, армрестлинг ва арқонда сакраш каби спорт турлари бўйича куч синашди. Ғолиблар касба уюшмасининг эсдалик савғалари билан тақдирланди. Шу куни тadbирнинг узвий давоми сифатида тумандаги

«Аёллар дафтари»га киритил-ган 250 нафар хотин-қиз учун байрам дастурхони ёзилди, эҳтиром кўрсатилиб, совғалар туҳфа этилди.

Ойбек МАВЛОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Учкўприк тумани кенгаши раиси

Наманган вилояти

Касба уюшма кўмағида

«Кўҳинур»да мароқли ҳордиқ

Тўрақўрғон агротехнологиялар техникумида кўп йиллар-дан буён фаррош бўлиб ишлаб келаётган Соҳиббахон Зо-киржонованинг оилавий аҳволи ночор, тўрт нафар фар-зандини ёлғиз ўзи вояга етказмоқда. Боз устига, унинг соғлиғида жиддий муаммо пайдо бўлган.

Агросаноат мажмуи хо-димлари касба уюшмаси Тўрақўрғон тумани кенгаши ти-зимда ишловчи Соҳиббахон син-гари хотин-қизларини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиғини тиклаш мақсадида санатор-курортларга бепул йўлланма тарқатди. Бугун улар касба уюшмалари кўрсат-ган ғамхўрликдан мамнун.

Яқингинада турмуш ўртоғи-дан айрилган, икки нафар фар-занднинг онаси, Янгиқўрғон туманидаги фермер хўжали-ғида ишчи бўлиб ишлаб кела-ётган Назирахон Муртазаева

ҳам касба уюшмалари эти-тиборидан четда қолмади. Унга ижтимоий сўғурта бўлими то-монидан имтиёзли йўлланма берилди.

Татрифларда «қирқта жони бор», дея эътироф этиладиган касба уюшмалари жонбозли-ғида бир неча кунга бўлса-да оилавий ташвишлардан ҳоли бўлиб, «Кўҳинур»да соғлиғини тиклаб, оиласига тетик ва бар-дам қайтишига ишонамиз.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда

«Аёл – жамиятимиз гултожи»

«Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жа-миятида «Аёл – жамиятимиз гултожи» номли маъна-вий-маърифий тadbир ўтказилди.

Тadbир доирасида ўтган «Ранглар жилосида аёл» тасви-рий санъат танловида хотин-қиз-лар кўклар таровати, Наврўз на-фаси, ўйғонши фаслини ифода этиш учун бор маҳоратларини намоён қилишди.

ҳамда мушоирада фаол ишти-рок этган хотин-қизлар касба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тошболта АВАЗОВ,
«Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамияти касба уюшма кўмитаси раиси

«Bestrealtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Водийнефга-зичишитаъминот» МЧЖнинг 10.03.2021 йил кунги 05-сонли буюртма хатига асосан «Водийнефгазичишитаъминот» МЧЖга тегишли, Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, «Бирлашган» МФЙ ҳудудида жойлашган Насос станци-яси ва навес бино ва иншоотлари кўйилмоқда. Қурилиш ости майдони – 103,20 кв.м. Бошланғич баҳоси – 7 579 000 сўм.

Аукцион савдолари 2021 йил-нинг 12 апрель кунини соат 10:00да бў-либ ўтади.

Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

Буюртмаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2021 йил 9 апрель, соат 16:00 гача.

Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақ-

дим этилади:

– **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида-ги гувоҳномаининг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдога қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлашти-рилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдога тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида бел-гиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдириш-номада кўрсатилган банк ҳисобрақам-ига закат тўланганини тасдиқлайди-ган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини ту-зиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини савдо ташкилотчиси – «Best realtor» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг қуйидаги ҳисобрақамига, закат келишув шартномасига асосан, ўтка-зишлари шарт: х/р: 2020 8000 3004 3360 1012. МФО: 01123. банк: «Траст-банк» ХАТ Фарғона филиали, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган жой манзили: Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темури кўчаси, 45-уй, 3-қават. **Теле-фон:** (99895)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225.

«Invest ko'chmas mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Ўзбекистон те-мир йўллари» АЖ «Кўқон минтақавий темир йўллари узели» унитар корхонаси-нинг буюртма хатига асосан қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. Фарғона вилояти, Кўқон шаҳри, 28-МФЙ, Ач-чиққўл кўчаси, 46-уйда жойлашган «Кўқон шаҳар таъмирлаш қурилиш участ-каси» бино иншоотлари бир қисми. Қурилиш эгаллаган майдони – 0,84 га, (Литерлар 0019.0020,0021,0022,0023,00 24,0025,0026,0027,0028,0029, 0030,0031,0032,0033,0034,00 35,0036,0037,0038,0039,0049). **Бошланғич баҳоси – 340 078 000 сўм.**
2. Фарғона вилояти, Кўқон шаҳри, 28-МФЙ, Аччиққўл кўчасида жойлашган «Вагон

депоси» бино иншоотлари бир қисми. Қурилиш эгал-лаган майдони – 503,0кв.м (Литерлар 0001-Тикувчилик цехи). **Бошланғич баҳоси – 96 914 186 сўм.**

Аукцион савдоси 2021 йил 14 апрель кунини соат 11:00дан бошлаб ўткази-лади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талаб-горлардан аризалар расмий иш кунлари соат 09:00дан 18:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қи-лишнинг охири мuddати: 2021 йил 13 апрель соат 18:00гача.

Дастлабки савдоларда мулк сотилмаган тақдирда, 2021 йил 7 май кунини тақро-

рий савдолари бўлиб ўтиши-ни маълум қиламиз. Такро-лий савдоларга аризаларни қабул қилиш бир кун олдин 18:00да яқунланади.

Савдога қўйилган мулк ва унга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакиллари иштирокида бевосита жойи-га чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдога қатна-шиш учун талабгорлар «Сав-до ташкилотчиси» билан тузиладиган закат келишу-вига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида савдо объектининг номи ва манзилини кўрсатган ҳол-да «Савдо ташкилотчиси» «Invest ko'chmas Mulk Savdo» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Траст банк» Фарғо-

на вилоят филиали, х/р: 22604000300499077001, МФО: 01123, СТИР: 303445495) тўлашлари ло-зим.

Савдо натижасига кўра савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш маж-бурияти юклатилади, тўлов-ларини амалга ошириш сотув-чи томонидан белгиланади.

Савдолар бўлиб ўтади-ган ва аризалар қабул қи-линадиган манзил: Фарғо-на вилояти, Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 44-«В» уй. **Тел.:** (+99890) 307-11-88, (+99897) 415-51-11. **Веб-сайт:** www.uy-bozor.uz. **Теле-грамдаги расмий канал:** @fergonaubozor.

Лицензия № RR-0238.

Муҳаммад ИСМОИЛ

Кўнгилга сайр

СЕН ИСТА...

Ўрик гуллаганда ёғаетир қор.
Тўрт тараф бирпасда оққа бурканди.
Эндигина кириб келганди баҳор,
Куртаклар энди юз очиб турганди.

Кечагина нурга тўлганди осмон.
Кўклардан энтиккан эди юраклар.
Бугун қор остида қилмоқда исён,
Қаро қишда кучга тўлган куртаклар.

О, Ҳаёт! Бунчалар чиройли айём,
Ё, Худо! Бунчалар тотли яшамоқ.
Айниқса, умрингга келганида шом,
Сочингга қор каби тушганида оқ.

Кексалик муз каби босар елкани.
Юракни қоплайди гоҳо қаҳратон.
Нурларга тўлдирмоқ бўлиб эртани,
Умр сўрагаймиз Оллоҳдан нолон.

Оллоҳ, новдаларни босса ҳамки қор.
Оллоҳ, сочларимни қилсанг ҳам оппоқ.
Оллоҳим, сен иста қайтади баҳор,
Сен иста, яшарман юз йилдан кўпроқ...

МУАЛЛИМ ВА ЧЎПОН

Икки дўст учрашиб қолди дафъатан,
Бири чўпон эди, бири муаллим.
Бири кўй боқарди, тўплаб барчадан
Бириси мактабда берарди таълим.
Ҳасрат дафтарини очдику чўпон,
Тун кун ҳар ён чопиб, тинмайман, деди.
Қанча уринсам ҳам, бирорта инсон
Раҳмат айтганини билмайман, деди.
Яйловда ўт борми, омонми сурув,
Бирор кўйга бўри теккани йўқми?
Ўз вақтида ичиб турибдими сув,
Кўйларни бит босиб кетгани йўқми?
Хабар олишарлар кунда кунора,
Қайда боқдинг дея, қилишар сўроқ.
Улар зуғумидан тополмай чора,
Жоним ҳалқумимга келдику, ўртоқ.
Ўтирсам ўпоқман, турсам сўпоқман.
Кўйларни меҳрла боқаман, аммо.
Безиб кетдим бўлар, бўлмас сўроқдан.
Бир дам тинч кўймаслар, мана муаммо.
Муаллим кўяркан дўстин кучоқлаб,
Гар хабар олсалар, яхшику, деди.
Болаларни кошки эди, сўроқлаб,
Мактабга йилда бир келишса эди.
Шўхликлари баъзан ўтқазар жондан,
Ҳар ён чопадилар гоҳ шовқин солиб.
Дарс чоғи кўз узмас қўл телефонидан,
Деразадан тушар гоҳ эшик қолиб.
Бажармай келади уй вазифасин,
Асабингни ўйнар гоҳо жўртаган.
Пинҳона чекарлар, нос, тамакусин
Билмайман ким бўлар, улар эртага.
Дарску ўтилмоқда, тўлмоқда дафтар,
Устознинг ҳар кўйга етар тоқати.
Аммо бари бекор, бўлмаса агар
Боланинг кўзлаган орзу мақсади.
Ота оналарни бир жойга жамлаб,
Бор дардимни тўкиб солгим келар гоҳ.
Аммо бири учун узоқдир мактаб,
Келмоққа бирисин вақти йўқ мутлоқ.
Билмадим юрарлар не ўй, не ғамда
Дилбанди, фарзанди бир четда қолиб.
Болаларга меҳр шарт ҳар қадамда,
Тарбия бермоқ шарт, ўртага олиб.
Икки дўст ҳамсуҳбат бўлдилар узоқ.
Узоқ тўқдилар дил ҳасратларини.
Одамларга муҳим кўй, кўзи, улоқ.
Кўйчаллик қадри йўқ, фарзандларини.
Икки дўст дил дардин тугатган сўйлаб,
Кечиринг шу шеърни ёзди аламдан.
Алҳазар, кўй ҳамда кўзини ўйлаб,
Фарзандин унутиб кўйган одамдан.
Азизлар, ташлайлик бундай иллатни,
Улар камолига садқа бўлсин жон.
Фарзандлар кўтаргай элни, миллатни
Камол топгай буюк юрт, Ўзбекистон!

Қашқадарё
вилояти

Тарихи олимлар Чироқчи туманидаги Қуруқсой қишлоғида жойлашган Сийпонтос масканини ўрганиш-ганда, қизил ранг билан бўйланган тасвирлар туширилган қояларга дуч келишди. Расмлар сюжети ибтидоий санъатнинг Марказий Осиёда маълум бўлган, ёввойи ҳайвон ови саҳнаси тасвирланган икки ёдгорлиги – За-раутсой ҳамда Шахта ғоридан геометрик хусусиятига кўра фарқланади. Бироқ бу шунчаки амалий хусусиятга эга бўлган нақшлар эмас. Унда кўшнинг доира шаклидаги тасвири, ўқсимон тасвирлар, ромблар занжири ёки чизиқчалар қаторларидан иборат суратлар бор. Шундай қаторлардан бирида 28 ёки 29 та чизиқча бўлиб, у қамарий ой кунларига мувофиқ келади. Демак, ўша вақтларда ҳам аجدодларимиз ой кунларининг, ойлар-нинг йил давомида шу тариқа алмашиб келишини ҳисоблай олишган. Яъни, бир неча минг йиллар олдин ҳам муайян тақвимдан фойдаланишган.

ҚУРУҚСОЙ туристик қишлоққа айланадими?



Фаразларга кўра, Марказий Осиёдаги тош асри одамларининг коинот таркиби ва вақт тўғрисидаги тасавурлари акс этган – Сийпонтос ибодатхонасининг ёши 10-5 минг йил ораллиғида.

Этиборли томони, Сийпонтосдаги топилмаларнинг аксарияти уч оёқли тошлардир, – дейди Қуруқсой қишлоғида яшовчи Ҳамро бобо Сиддиқов. – Бу ерга келган тарихчи олимларнинг бири «Сийпонтос – уч оёқли тош маъносини беради», деб айтган. Ҳақиқатан, эйтибор берилса, улкан-улкан тошларнинг барчаси уч жойидан ерга тегиб туради. Шунингдек, бу ерда тош тандир бўлиб, унда аждодларимиз нон ёпишган. Ноннинг излари ҳам бор. Улкан тошлар ўша даврларда одамларга бошпана бўлган кўринади. Масалан, ёзнинг жазирама-сида бу ерга келсангиз, тошлар тағида 20-22 даража салқин иқлимга гувоҳ бўласиз. Яна тошлар устида сийпонадиган жой бор. Бир сийпанангиз, яъни тош устида тойсангиз, руҳингиз енгил тортади, хузурлана-сиз. Тарихий аҳамиятга молик бу жойлар туристик харитага кирган ва чет эллик сайёҳлар қи-

шлоғимизга келиб туришади. Фақат пандемия туфайли ўтган йили меҳмонларнинг қадами узилгандек бўлди.

– Юртимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Қуруқсойни туризм қишлоғига айлантириб, аввало, ҳамюртларимизни, шунингдек, чет эллик меҳмонларнинг Сийпонтос-шога ташрифи чоғида туризм салоҳиятини ошириш бўйича ҳам қатор кўрсатмалар берган эди. Демак, бизнинг талаб ва илтимосларимиз, Қуруқсой қишлоғини туристик минтақага айлантириш бўйича тақдирларимиз асло ҳавойи гаплар эмас. Модомики, туризмни ривожлантириш – давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, умидларимиз яна куртаклайди.

понтос масканини туристик минтақага айлантириш, тарихий масканларни обод этиш, муҳофазага олиш, сайёҳлар учун зарур бўладиган инфратузилмани яратиш ҳақида ҳукумат қарорлари ҳам чиққан. Мазкур масаланинг ижобий ечим топишида ёрдам сўраб, юқори ташкилотларга кўп бор мурожаат қилдик. Бир мурожаатга 2017 йил 11 январь санасида Вазирлар Маҳкамасидан жавоб ҳам келди. Унда мурожаатим кўриб чиқиш учун Қашқадарё вилояти ҳокимлигига жўнатилгани билдирилганди. 2017 йил 24-25 февраль кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятимизга ташрифи чоғида ечимини кутаётган кўп-лаб масалалар қатори туризм салоҳиятини ошириш бўйича ҳам қатор кўрсатмалар берган эди. Демак, бизнинг талаб ва илтимосларимиз, Қуруқсой қишлоғини туристик минтақага айлантириш бўйича тақдирларимиз асло ҳавойи гаплар эмас. Модомики, туризмни ривожлантириш – давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, умидларимиз яна куртаклайди.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлича),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги янгилликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Хўдудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдурахмонов

Мусахҳиҳлар:
С. Шодиева,
Э. Холмуҳаммадова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 21:00
Топширилди – 21:00

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Буюртма Г – 306.
30475 нускада босилди.
Нашр қўраганини: 133

1 2 3 4 5 6
Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shagʻ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмажонасида чоп этилди.
Қорқона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iprotaka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Қорақалпоғистон
Республикаси

ОЁҚ ОСТИДАГИ ОСТОДОНЛАР

улар нега мозий қўриқчилари эътиборидан четда қолмоқда?

Бўзатов тумани ҳудудидаги Қусхана тепалигидаги милодий VI-VIII асрларга тегишли, яъни зардуштийлик маданиятига оид остодонлар (оссуарийлар) оёқоси бўлмоқда. Одамлар у ердаги бир ярим минг йилдан буюн ётган оссуарийларни қазиб олиб кетяпти, синдириб ҳар томонга сочиб ташламоқда. Боз устига, маҳаллий аҳоли ушбу тепаликда мол боқади, бу эса қадимий эсдаликларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Қусхана тепалигидаги ушбу оссуарийларни ўтган асрнинг 20 йилларида оренбурглик ўлкашунос Л.С.Мелков раҳбарлигидаги экспедиция топган. Алебастрдан ишланган икки дона остодоннинг биттаси Оренбургга, иккинчиси Ленинграддаги «Русский музей»га олиб кетилган. 1935 йилда мазкур жойга келган машҳур тарихчи П.П.Иванов ҳам икки дона оссуарийни Эрмитажга олиб кетади. Кейинчалик 1956 йилда уларни рус археологи Ю.А.Рапопорт тадқиқ қилади ва милодий VI-VIII асрларга тегишли экани тасдиқланади.

Тарихчи олим Мақсет Қарлибаевнинг айтишича, маҳаллий аҳоли бу жойни азалдан билган ва у ерда ер устига чиқиб ётган остодонларни қазиб олиб, синдириб, ичидан олтин қидирган, лекин уларда одам суягидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бир ярим минг йилдан буюн тупроқ остида ётган оссуарийлар қўл теккан захоти ува-

ланиб кетади. Шу боис, уларни қазиб олиш фақат археологларнинг иши бўлиши керак.

Бу жойни маҳаллий аҳоли «Капир аулие» («Қофирлар қаبرىстони») деб атаган. Гап шундаки, зардуштийликда одам вафот этгач, ерга қўймай, дастлаб суягини этидан ажратиб, яъни жасаднинг этини қушларга едириб, тозалангандан сўнг алебастрдан ишланган қутига солиб, ернинг устига қўйган. Оссуарийнинг тўртта оёғи бўлган. Зардуштийлик динига кўра, ер муқаддас ҳисобланган. Унга ўлган одамнинг, ҳаттоки суягини ҳам теккизмаслик учун тўрт оёқли остодонга солиб, ер устига қўйишган.

Олимларнинг таъкидлашича, Қусхана тепалигидаги оссуарийлар 6,5-7 гектар майдонда жойлашган. Тепаликда ҳар қадамда уларга дуч келиш мумкин. Кўпинча саксовул ўсимликларининг тубидан топилади.

Бу гапларни айтмоқдан мудо-

Нигоҳ

Есимхон
ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»